

КУЛГИ — ЭСТЕТИК ҲОДИСА

Л.И.Ташмухамедова, ф.ф.н., доцент, Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети

Изоҳ: Ушбу мақолада кулги — унинг таъсир кучи ва жамиятдаги камчиликларни аниқлашдаги вазифаси муҳокама қилинади. Тадқиқотларимиз натижасида ўзбек адабиётида янги йўналиш вужудга келган XX аср бошларида бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлиги исботланди. Бадий адабиётнинг муҳим турларидан бири бўлган сатира, жумладан, кулгининг жанрлари, мазмун-моҳиятини белгилаш борасида кўплаб фикрлар билдирилди, эстетик тафаккурни бойитилувчи қатор асарлар нашр этилди. Асар натижасида кулгунинг ҳаёт ва адабиётдаги маъноси, ўрни аниқланади.

Калит сўзлар: кулги, ҳазил, образ, сатира, таъсир, хис-туйғу, муболаға.

Кириш ва гипотеза

Комик образнинг ҳамма унсурлари ҳаётдан, реал нарсадан (шахсдан) олинishi, лекин уларнинг мутаносиблиги, ўрни, таъсир доираси ижодий фантазия (ҳаёлот) билан қайта яратилиши, кулгили нарса аниқ ҳиссий туйғу уйғотадиган предметга асосланиши, кулги эса унсурларни бўрттириш, муболаға, донолик, бир-биридан узоқ тушунчаларни қиёслашдан туғилиши назарий фикрлар билан изоҳланган. Ана шу мураккаб жараёнда кишилар характерининг нозик қирралари очилиб боради.

Кулги дунё, инсон ва тарих ҳақиқатини айтишнинг бир шаклидир. Ҳаётнинг шундай жиҳатлари борки, улар фақат кулги орқалигина ёритилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кулги адабиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Жамият тараққий этгани сари кулги ҳам камолотга эришади, кишилар ҳаётида муҳим рол ўйнай бошлайди.

Усуллар ва манбалар

Жамиятда кулгили ва фожиали ҳолатлар ҳаммаша ёнма-ён юрган. Инсон кула олувчи ва кулгига сабаб бўлувчи ягона мавжудотдир. У ёлғиз қолганда йиғлаши мумкин, лекин фақат кишилар орасидагина кулади. "Кулгилик даҳолари" бир-биридан ажралмас икки ҳодиса-кулги ва йиғини омухта ҳолда қўллай олдилар. Шу маҳорати туфайли Қодирий ўз вақтида "кулдириб йиғлатувчи, йиғлатиб кулдирувчи" таърифини олган эди. У йигирманчи йилларнинг талотўпларини, тоталитар тузумнинг фожиаларини, жамиятнинг таназзул томон бораётганлигини "кўз ёшлари орасидаги кулги" орқали бор бўй-басти билан кўрсата олди. Абдулла Қодирий таъкидлашича, Уйғониш даври адабиёти "Кулги даҳолари"нинг кулгидан кенг фойдаланишининг яна бир сабаби "Ҳажвий кулги (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки кулги танқид турмуш бўлиб учқувчи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизғанч, манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва у ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса, ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгилик унсури авомнинг маҳбуби, тагин тўғриси унинг ўз ижодидир" (Қодирий-1, 1969, 184). Дарҳақиқат, кулги халқ ижодидир. Халқ кулги орқали (аскиялар, латифалар, қизиклар ва масхарабозлар кулгиси орқали) ўз орзу-армонларини, кўнглида йиғилиб ётган дард-аламларини, норозиликларини ифодалаган. Демак, кулги ҳокимият ва хонлар олдидаги қўрқувни енга олган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ишда қиёсий таҳлил ва аналитик таҳ-

ТАШМУХАМЕДОВА
Латофат Исмаевна,
кандидат филологиче-
ских наук, доцент
кафедры узбекского
языка и литературы,
Университет журнали-
стики и массовых ком-
муникаций Узбекистана

TASHMUKHAMEDOVA
Latofat Ismatovna,
Ph.D., Associate
Professor, University
of Journalism and Mass
Communications of
Uzbekistan

лил методларидан фойдаландик.

Натижалар

XX аср бошларида кулгининг моҳияти ҳақида фикр юритган ёзувчилардан Қодирий кулги тарихига назар ташлар экан куйидагиларни ёзади: "Кулгиликнинг бошланиш тарихи жуда эскидир. Кулгилик инсонлар билан бирга туғилган, унинг бошқа хусусиятлари, яъни камолот ва руҳий ҳолатлари ила ёндошдир. Шунингдек, биз ўзбекларнинг кулгиликимиз ҳам ўз тарихини эскидан бошлайди. Ҳар бир нарсанинг туғилиш тарихига назар ташлаб кўриладирким, ул ибтидоий даврда, албатта, бир эҳтиёж орқалик дунёга келади" (Қодирий-1, 1969, 181).

Қодирий таъкидлашича, айна шу эҳтиёжнинг келиб чиқиш сабаблари бор эди. Кулги яратганнинг одамларга ато этган улуғ иноятларидан биридир, у инсондаги ақл ва руҳ билан чамбарчас боғлиқдир ва айна шу жиҳатлари билан инсон бошқа мавжудотлардан фаркланиб туради. Аристотелнинг фикрича, чақалоқ фақат туғилганининг қирқинчи кунидан кула бошлар ва шу дақиқалардан бошлаб у шахсга айланиш даврига қадам ташлар экан. Демак, кулги нафақат бизни ўраб турган борлиқ ва жамиятни англашнинг ўзига хос усули, балки ўзликни англашнинг ҳам бир йўлидир. Абдулла Қодирий эътироф этишича, кулги ғоят кудратли куч, у инсон руҳига енгиллик беради, турмуш ташвишларини вақтинча бўлса-да унутдиради. Балки шунинг учун ҳам кулги жуда қадимда, инсоният тараққиётининг илк босқичларидаёқ пайдо бўлгандир. Энг қадимги маданият бўлган ҳинд ведаларида ҳам ҳажвий сахналар мавжудлиги фикримизнинг исботидир.

Муҳокама

Қодирий кулгининг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, ғоят муҳим назарий мулоҳазани ўртага ташлайди "Бир миллатнинг ҳар бир соҳада тутган мавқеи маданиятидаги даражасига, савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвийдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгилик даҳоси аксар ўша қавмнинг интибоҳ (уйғониш) тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес, Россияда Гоголь. Чунки даҳоларни етиштирувчи бош омил бузуқ шароитдир" (Қодирий-1, 1969, 184). Кулгининг ғоят кудратли куч эканлигини ҳис қилган Данте, Сервантес, Гоголь, Қодирийлар адабиётда ундан самарали фойдаландилар. Чунки азоб-укубат, изтироб руҳни кўпроқ тозалайди. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад айтганидек (Дўстмуҳаммад, 2000 бети), буюк ижодкорларни жаҳоний алам етиштиради. Зеро, ярамаслик ва қабихликдан эзгулик униб чиқади, соғлом тафаккур ўсиши учун иллатлар ўғит вазифасини ўтайди. Ижодкор билан муайян воқелик ўртасида психологик номувофиқлик бўлгандагина етук асар вужудга келади.

Халқона оҳангларда яратилган Уйғониш даври адабиётида халқ кулгиси шунинг учун ҳам асосий ўринни эгаллади. Жаҳон адабиётига халқ кулгисини Раблэ олиб кирган бўлса, XX аср янги ўзбек адабиётида бундай вазифани Қодирий адо этди. Қодирий яратган асарларда халқона кулгининг кўплаб жилоларини учратиш мумкин. Шу ерда "Меҳробдан чаён" романидаги "Қизиклар" бобини юқоридаги фикрларга таянган ҳолда таҳлил қилсак. Қодирий асарларини синфий нуқтаи назардан таҳлил қилган Ойбек ҳам бу боб ҳақида илик фикрлар билдирган "Меҳробдан чаён"да "Хон кўнгил очмоқчи" деган бобда халқ қизикчилари-артистлар томонидан ўйналтурган қизикчилик, тақлидчилик картиналарини

жуда санъаткорона тасвирлайди" (Ойбек, 1936, 8).

"Қизиклар" бобида халқона-байрамон кулги ҳукмрон. Бундай кулги шарқда халқ сайлларида намоён бўлган бўлса, ғарбда карнавалларда ўз кудратини намоёиш этган.

"Қизиклар" Европа адабиётидаги карнавал манзарасига ўхшаб кетади. У ерда ҳам, романдаги халқ сайлида ҳам халқ кулги, ҳазил-мутоиба орқали кўнгил очишга йиғилган. Халқ сайлида ҳам, карнавалда ҳам ижрочилар ва томошабинлар йўқ, олий табақа ҳам оддий халқ ҳам иштирокчидир. Бу ерда фақат байрамон кулги ҳукмрон. Бу халқона кулги ҳар нарсага ва ҳар кимга қаратилган, шу жумладан, сайл иштирокчиларининг ўзига ҳам. Романда улуғ хоннинг ўзи ҳам қизикларнинг ҳазилига, пайровларига нишон бўлади, нафақат нишон бўлади, балки ўзи ҳам қизикларнинг "суҳбатида" қатнашади. Шайхулисломдай обрўли шахсга ҳам тақлид қилиниб, ҳажв орқали танқид остига олинади. Лекин шундай жасорат кўрсатган қизиклар байрамон кулги ҳимоясида. Ва айнан шу байрамон руҳ яхшигина танқид қилинган шайхулисломни, хонни қизикларни олқишлашга, санъатларини тан олишга мажбур этади. Бу байрамон кулги ҳам қувноқ, ҳам заҳарханда, ҳам содда, ҳам доно, бир вақтнинг ўзида ҳам тасдиқлайди, ҳам рад этади. Мана шундай йиғинларда халқ ўз дардини, жамият иллатларини кулги орқали айтиш, кўрсатиш қизикларнинг ва масхарабозларнинг зиммасига юклатилган. Қизиклар ҳақида Чўлпон куйидагиларни ёзган эди: "Подшоҳлар, султонлар, хонлар, бекларнинг қамчиларидан қон томган замонларда халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган давларда халқнинг оғир аҳволини биронта сарой ёки халқ қизиғи чиқиб, ҳазил йўли билан едириб юборарди. Катта-катта издиҳомларда, йиллик сайлларда қизиклар неча мингларча халқнинг жуда зўр мароқ билан ўзларига тикилиб турганларини кўргандан кейин, жамиятнинг фэйзи билан дадилланиб, мамлакатнинг катталарини, беклар, ҳокимлар, қозилар, раислар, муҳрдорлар ва ҳатто хонларнинг ўзини танқид қилиб ташлар эдилар". Худди шундай ҳолат қизиклар бобида ҳам рўй беради. Қизиклар кўркмай хоннинг золимлигидан, бир оғиз сўз учун дорга осилишлари мумкинлигидан, шайхулисломдай зотнинг маҳаллийчилиги-ю" иккиюзламачилигидан сўз очадилар. Сайл давомида уларнинг куроли бўлган халқона-байрамон кулги айни дақиқаларда хонлар, юқори табақа, амалдорлар олдидаги кўркуннинг устидан ғалаба қозоняпти. Профессор У.Норматов шу боб ҳақида куйидагиларни ёзади: "Халқ турмушига оид олий ҳақиқат шуки, кулги олдида шоҳу-гадо баробар, ҳазил йўли билан айтилса оддий фақир ҳақир одамнинг ҳар қандай ўткир танқидий гапи ҳам шоҳга малол келмайди" (Чулпон, 1993, 116).

"Йиғинди гаплар" мақоласида ҳукумат раҳбарларига ҳазил тариқасида бир қатор камчиликларни айтгани учун 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган адибнинг романида қизикларнинг санъати, Қодирий орзу қилганидек, тўғри тушунилади, юксак баҳо берилади, танқидга дучор бўлганларнинг ўзлари ҳам қизикларни олқишлайдилар. Кулгининг бекиёс кудрати шу саҳнада яққол намоён бўлади.

Демак, Қодирий кулгиси халқ кулгиси билан чамбарчас боғлиқ экан, шу ўринда адабиётшунос М.М.Бахтиннинг халқ кулгисига доир фикрларини келтириш жуда ўринли бўлади. М.М.Бахтин халқ кулгисини куйидаги шаклларга бўлади:

1. Маросим ва томошага оид шакллар (халқ байрамлари, масхарабозлик ўйинлари ва ҳ.к.)
2. Оғзаки ва ёзма шакллардаги турли-туман кулги асарлари (шу

жумладан пародиялар)

3. Очиқ ва чапанича нуткнинг ҳар-хил шакллари ва жанрлари (ҳақорат, қасам, онг ичиш) (Бахтин, 1990, 9).

Гарчи турлича номланса-да, бу уч шакл борликнинг кулгига хос ягона моҳиятини ифодалайди. Айни чоғда улар ўзаро мустаҳкам алоқада ва кўп жиҳатдан бир-бирини тақозо этади" (Қодирий-1, 1969, 184). Қодирий асарларида халқ кулгусининг мана шу барча товланишларини учратиш мумкин. Юқоридаги "Қизиклар" сахнасида маросим ва томошага оид шакллар ва пародияларга дуч келсак, Тошпўлат тажанг, Овсарнинг нутқларида (умуман, кўплаб фелъетонларида ҳам) очиқ ва чапанича кулгининг бирқанча шакллари учратиш мумкин.

Хулосалар

Етук ҳажвчи ёзувчи воқеа-ҳодисаларни ўзининг ҳақиқий кўринишида кўради, уларнинг характерли нукталарини кулги орқали холис тасвирлайди. Худди ҳаётдаги каби ҳажвда ҳам кулгининг турлари, ўзига хос томонлари хилма-хил. Ҳажвда комик ҳол турли кўринишларда яъни пичинг, киноя, истехзо кулгиси, заҳарханда, масхара кулгиси, нафратлантирувчи ва ғазабли кулги кўринишида юзага чиқади. Қодирий бу воситалардан ташқари ҳазил, муболаға, тасвир, ташбеҳ, тамсил, истеора, сажъ кабиларни санайди ва "мана шу ёрдамчи воситалар орқали шундай кулги ҳосил бўлсинки, ҳатто кулгига қолган рақиб ҳам биргалашиб кулишга мажбур бўлсин", -дея ёзади. Бу имкониятлардан қай даражада фойдаланиш, кулги товланишларининг қай хилини қўллаш ёзувчининг дунёқараши, ўз олдига қўйган мақсади, лаёқати ва ижодий маҳоратидан келиб чиқади.

Қодирий асарларида энгил ҳазилдан тортиб заҳарханда истехзо кулгисигача учрайди, яъни у юқорида ўзи санаган имкониятлардан унумли фойдаланган. Масалан, Ўзбек ойим илиқ меҳр, юмшоқ юмор билан тасвирлангани ҳолда, Солиҳ маҳдумнинг хасислиги заҳарханда кулгиси орқали ифодаланган. Калвак маҳзумнинг болалик, ёшлик йиллари масхарали тасвирлангани ҳолда, инқилобдан кейинги ҳаёти ҳазин юморга йўғрилган, саргузаштлари ним табассум билан ҳикоя қилинган. Адиб фелетонлари ва кичик асарларида пичинг, киноя, истехзо, заҳарханда, нафратлантирувчи ва ғазабли кулги воситасида бетакрор комик ҳолат ҳосил қилиш мумкинлигини амалда исботлаган.

Адабиётлар рўйхати

Абдусаматов Ҳ. Ўзбек сатираси масалалари. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1968.

Дўстмуҳаммад Х.. Озод изтироб қувончлари. — Т.: Маънавият, 2000.

(1) Қодирий А. Кичик асарлар. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1969.

(2) Қодирий А. 26-нчи йилда қулдирувчиларимиз. Кичик асарлар. — Т.: 1969.

(3) Қодирий А. Ўткан кунлар. "Меҳробдан чаён" — Т.: Ўқитувчи.

Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. — Т.: 1936.

Чўлпон. Адабиёт надур? // Қизиклар. — Т.: 1993.

Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Монография. — Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. — М.: 1990

СМЕХ — ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ЯВЛЕНИЕ

Л.И.Ташмухамедова, к.ф.н., доцент, Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Аннотация: В статье рассматривается смех — сила его воздействия и функции в выявлении недостатков в обществе. В результате проведенных нами исследований продемонстрировано, что в этой области проведено много исследований еще в начале XX века, когда зарождалось новое направление узбекской литературы. Выдвинуто множество взглядов на определение сущности, жанров и значения сатиры, в том числе смеха, являющихся одним из важных видов художественной литературы, опубликован ряд работ, обогащающих эстетическое мышление. В качестве результата работы определено значение и место смеха в жизни и литературе.

Ключевые слова: смех, юмор, образ, сатира, воздействие, эмоция, преувеличение.

LAUGHTER — IS AN AESTHETIC PHENOMENON

L.I.Tashmukhamedova, Ph.D, University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan

Abstract: This article examines laughter, its place in humor, the power of influence and functions in identifying shortcomings in society. Since ancient times, since the time of Aristotle, a lot of scientific literature has been created covering the essence and theme of humor. As a result of our research, it has been scientifically proven that many studies were conducted in this area back in the early twentieth century, when a new direction of Uzbek literature was emerging. Among these studies, many views have been put forward on the definition of the essence, genres and meaning of satire, including laughter, which are one of the important types of fiction, a number of works have been published that enrich aesthetic thinking. In this paper, an attempt is made to determine the meaning and place of laughter in life and literature, and appropriate conclusions are drawn.

Keywords: laughter, humor, image, satire, impact, emotion, exaggeration.

Your comments are
welcome!
Info@uzjok.uz
+99 812 345 67 89
uzjok.uz